


Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам, Менинг Ўзбекистон, дилбар Ватаним!



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2007 йил 1 март
пайшанба № 27 (2284)

ИШОНЧ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 1 март
пайшанба № 27 (2284)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида

Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш, молиявий-иқтисодий масалаларини ҳал этишда таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилишни кучайтириш мақсадида:

1. Халқ таълими муассасаларини ҳисоб-китоб – молиявий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг сарф-харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функциялари ҳамда тузилмаларини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлиmlаридан тегishли худудий молия органларига топшириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, халқ таълими муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш бевосита худудий молия органлари томонидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда худудий молия органлари тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлиmlарининг топширилган марказлаштирилган бухгалтериялари ва марказлаштирилган хўжалик хизмати курсатиш гуруҳлари негизда халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлиmlари ташкил қилинсин.

Худудий молия органлари зиммасига қўшимча равишда қуйидаги асосий вазифа ва функциялар юклансин:

халқ таълими муассасалари билан биргаликда харажатлар сметаси ва шарт жадвалларини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, шунингдек, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш;

ғазначилик худудий бўлиmlарини билан ҳамкорликда халқ таълими муассасаларининг топшириқлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, шунингдек, уларнинг фаолияти бўйича ҳисоб ва ҳисоботларни юритиш;

халқ таълими муассасаларида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳамда бюджет интизомига риоя этишни, шу жумладан халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими талабларини бажаришни таъминлаш;

халқ таълими муассасаларининг харажатлар сметаси доирасида халқ таълими муассасаларининг буюртмаларига мувофиқ ва уларнинг эҳтижларидан келиб чиққан ҳолда товарлар харид қилиш ва хизматлар қўрсатиш учун шартномалар тузиш, шунингдек, истеъмол лимитлари ва сарф-харажат нормаларига риоя этилишини мониторинг қилиб бориш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими туман ва шаҳар бўлиmlари мактабга таъбия, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги услубий ва таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш масалаларини Ўз фаолияти марказида тузин ва бунда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратсин:

халқ таълими муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни қоидаларига ҳамда умумий ўрта таълимнинг белгиланган давлат таълим стандартларига риоя этилишини мониторинг ни амалга ошириш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларига услубий раҳбарликни такомиллаштириш, замонавий таълим шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакли ва усулларини таълим-тарбия жараёнига таъбиқ этиш;

республика етакчи ўқитувчилари ва умумтаълим муассасаларининг ижобий иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда унинг умумтаълим мактаблари ўқув-услубий ва тарбиявий ишида кенг оммалашувига қўмаклашиш;

2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга ошириш, шаҳар ва туманларда рўйбга чиқарилишини таъминлаш бораисидagi тадбирлар комплексини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 26 феврал

ҲАР БИР ФУҚАРО

Ўн тупдан дарахт кўчати ўтказди

Сурхондарёда бодом гуллади. Демакки, Сурхондарё баҳор келибди. Ростдан ҳам ушбу табиати, қиру адиблари шийликка бурканган, чор-атроф чирой очмоққа бошлади. Қумқўрғон томонидagi «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғини худудида элимизга хос инсоний фазилатларини намойиш этишига қиришди. Истироҳат боғи, кўчалар, ҳовлилар, Аскар ёдгорлик монументи атрофлари тартибга келтирилди. Маҳалла гузарини, 7-умумтаълим ўрта мактабни, туман 2-сон поликлиникаси «Янгиер» уй-жой қурилиши касб-хўнаро коллежи хиббоналари кўккаламзорлаштиришди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Боғ-роғлар ташкил қилинди. Яхшидан боғ қолади, деганларидек, ҳар бир фуқаро ўн тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказди. Шу кун бағрикенг, қўли очик, саховатли тадбиркор ва фермерлар маҳалладаги кам таъминланган оилалар, ногирон ва кўнгли ўқик инсонлар ҳолидан хабар олинди.

— Ижтимоий химоя йили барча тадбирларимизга ҳаётий жозиба бахш этмоқда, — дейди «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўра Чориев. — Бир суза билан айтганда, саховатпешаликни ишимиз мезонига айлантирдик. Утагалар парваршига муҳтож нафақахўрлардан, нуронийларидан меҳр-мурувватимизни афямаллаш.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЁШЛАР ХИЁБОНИ

Марғилоннинг Бурхониддин Марғинович номли маҳалла худуди бугун қурилиш майдонини эслатади. 12,5 гектар майдонни эгаллаган ёшларнинг бўлғуси дам олиш масканида 560 ўринга мўлжалланган амфитеатр, мевали ва манзарали боғ, чойхона, ошхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончаси барпо этилади. Дам олиш ўриндиқлари, фавворалар, ёритиш чироклари, теварак-атроф гулзорларга айлантирилади.


Қурилиш ишларини республика «Узавтойўл» компанияси Фаргона вилоят шўъба корхонасининг туман йўл қурувчилари, вилоят сув хўжалиги, вилоят электр тармоқлари корхонаси жамоалари бажаришмоқда.

«Ёшлар хиёбони» қурилиши учун 5 миллиард 57 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Қурилишда Орифжон Кодиров, Шухратжон Раҳимов, Одижон Акбаров каби қурувчилар бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Бу муҳим мажмуада келгусида турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилиши учун барча қўлайликлар, шарт-шароитлар яратилиши кўзда тутилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси



Умидлар гул очган фасли баҳор бу

Табиат ҳеч қачон ва ҳеч қерда ўзини ўзи такрорламайди. Ёзининг изидан куз, киш ва баҳор келгани билан бу ўтган йилги, бундан ўн йил аввалги, ҳатто бир юз ўттиз йил илгари гул очган баҳор эмас. Чунки табиат ерда ҳам, ойда ҳам, ҳатто юлдузлар ва кўёда ҳам сира ўзини такрорламайди. Гарчи у тўрт унсур — сув, tuppoқ, ҳаво ва оловдан ташкил топгани билан бу ўша сув ёки ҳаво эмас. Сирдарёдан ўтган йил оққан сувлар оқиб кетди ва бу йил бошқа сувлар оқмоқда. Биз терган чечаклар ҳазон бўлиб битди. Энди янги баҳор гулларини сараламоқдамиз. Кечагина ёнимизда ўтирган оксоқоллар ҳозир сифимизда йўқ. Уларнинг қаторини бошқалар тўлдириб бормоқда. Изимиздан эса уқтам қадамлар билан ёшлар бостириб келмоқда. Бундан 85 йил аввал Буюк Чўлпон бу ҳақда:

Кўзларимни мен тикиб қолдим,
тикиб қолдим унга,
Лола-гулларини экиб қолдим,
экиб қолдим унга,
Тоза умидин тўтиб қолдим,
тўтиб қолдим унга,
Чўки мен кўрдим, кўриб
қолдим кераклик белгини...

— деб ёзган бўлса, бугуннинг нигоҳлари бошқа унсурларни кўзламоқда:

Кўрганинг исбнимиди, бўронимиди,
имконимиди?
Эрк-озодлик боллариди тийра бир
нишонимиди?
Элу юрт деб жонни тиккан оташин
нуржонимиди?..
Мен ҳам кўрдим қонда оққан
оловлин хур сезгини.

Гур-гур келар, хур-хур елар
боғларда шаббодалар,
Рухимда парвоз этади сара
самовий бодалар.
Олам аро боғи урганда ҳам хуру

хурзодлар,
Англадим мен нелигин эрк
тутқаган белгини.

Ахборий гурбат талашган
саройларда бўлганим,
Қисмату тухмат аралаш
хой-хойларни кўрганда —
Саодатнинг созларини
дол чалишни ўргандим,
Ушлаганлар бор бўлсин-эй
жасоратнинг тизгинин!

Менга азиз шаҳарчада бир талош
айладилар,
Хўқонду Андиқонда бебошу тош
айладилар,
Ушу Узганда ўзишиб, — лoшу лoш
айладилар,
Кўрсангиз кўзалар кудди қон
сачраган кўзгун.

Дину иймон чалғиса бир дорлигин
билдим яна,
Адашишинг ўзи ҳам хунжорлигин
билдим яна.
Эрка ташна Ўзбекистон бердорлигин
билдим яна
Азиз-мукаррам тумордек авайладик
биз уни.

Боқ, шоирим, кишанларнинг
лахта-лахта қонига,
Эрк-озодлик жон бағишлар
Ўзбекистон жонига.
Туйғулар сели сизмас бу кичик
достонига —
Ҳар тонг бағримга боссам
зар-сабоҳат севгини.

Хаддан ташқари жўшқинлиги ва сўлимлиги учун бўлса керак, табиатнинг бу азалий қонунияти фақат баҳордагина алоҳида бўртиб кўзга ташланади. Фақат баҳордагина мукаррам инсоннинг ниетлари зиёда балқиб-балқиб, қайнаб-қайнаб, потраб-потраб гул очади. Биз — ўзимизга, кўнглимиз эса еру кўкка сизмай, улуг мақсад-

ларнинг нурли манзилларини кўзлайверади.

Нурли манзиллар энди шейрий оҳанглирининг силсиласи ёки баландпарвоз нутқларини безовчи куруқ ибора эмас. Ахир кечагина ўтган баҳор ва ёзда Мустақиллик аркаси ёнидаги янги фавворалар атрофига гул ўтказган боғбон, бугун метронинг Мустақиллик бекати ва Амалий санъат Галереясида тортиб то Амир Темир мусейига қадар чўзилган хиёбоннинг янги тархи бўйича ободчилик ишларини бошлаб юборган. Шунга муносиб гулкўчат тайёрлаб, бу жойнинг кўрку чиройи дунёнинг дондор шаҳарлари билан бўйлашадиган бўлишни оруз қилмоқда.

Биз Тошкентни билибмизки, Эски Жўванинг энг баҳаво жойида Ленин инқилобининг «кирчанга дахоси» қўлини чўзиб: «Сенлар қарамсанлар», дегандай савлат тўкиб турар эди. Бугун бу жойларда унинг ҳатто шарпаси ҳам қолмади. Бир-бирига зўр санъаткорлик билан боғлаб юборилган бозору боғи-майдон мейморчилик ансамблини XXI асрнинг энг зўр мейморий мўъжизаси деб баҳолаш мумкин. Энди истиқлол ундан-да нарига — ҳатто аждаҳо келбати итеп-маган Ҳастимом томонларга нурли изларини солмоқда.

Яқшанба кунини ҳам ҳамма учун эшикларини ланг очиб қўйилган (ўзидан-ўзи автоматик равишда очилади) десак тўғрироқ бўлар эди) Миллий либослар галереясини айланиб юриб, бир меймор дўстимнинг «совет даврида бундай қурилиш материаллари фақат «ЦК»нинг махсус розилиги билан берилар эди» дегани ёдимга тушди. Истиклолнинг дасти тобора чўзилиб бормоқда. Шунинг учун бундай қурилиш ва янгилинишлар фақат пойтахт Тошкент билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ўзининг

катта тўйига тайёргарлик кўраётган Марғилон бугун улкан бўнадкорлик ҳавзасини эслатади.

Мамлакатимизнинг иккинчи бош шаҳри Самарқанд 2750 йиллик юбилей арафасида ўзининг мартабасига муносиб бўлиш учун энг шимарган.

Кечаги катта қордан аввал бир гуруҳ ижодкорлар Гулистон туманининг маркази — Деҳқон-обод кўрғонига бордик. Учрашувни бошлангич касабга уюшма ташкилотлари лидерлари, зиёлилар ва адабиёт ихлосмандлари уюштиришган эди. Одат бўлиб қолган тадбирлардан фарқли равишда учрашув бошида туманининг биронта ҳам биринчи раҳбарини кўрмадик. Лекин биз хамроҳлик қилган мамлакатимизнинг бир гуруҳ катта шоир-ёзувчи ва олимлари яқин ўртада бундай баланд, талабчан даврага тушмаганимизнинг бир оғиздан эътироф этишди. Мустақил фикрнинг шейрий ва лиссоний тамсилнинг бу даврага ағамендик қилгани бизни қойил қолдирди. Улар — учрашув эгалари туманининг бош мактаби пойтахтдаги мана ман деган ўқув даргоҳи билан беллашиб, бошқаларни ҳам орқасидан эргаштиришга муносиб эканлигини таъкидламоқчи бўлишган эди. Биз ҳам бунга жавобан теран илдишлардан сув ичиб яшаётган юрдушларимизнинг бугуннинг баланд осмонидан туриб, эртанинг порлоқ юлдузларига қўл узатаётганини кўришинг ва тинглашинг ўзи катта бахт эканлиги ҳақидаги баҳорий туйғуларга берилдик:

Озод, эркин қанот қоққан
бурғутларга,
Кескир, ўткир чамқок чачқан
булутларга,
Яйраб-яшнаб кўкка боққан кўк
ўтларга,
Ҳайрат бўлиб ярашибсан,

Баҳоринг муборак бўлсин
ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон, дилбар
Ватаним! — деймиз.
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ЭҲТИРОМИМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ, АЗИЗЛАР

Ассалому алайкум, хурматли «Ишонч» газетаси таҳририяти. Мен бир чечка тумандаги мухлисингизман. Барча газета ва журналларни севиб ўқийман. Аммо менга «Ишонч» бошқача. Уни чиққан йилдан

(1991 й) буён иложим бори-ча сонма-сон тоғиб ўқиб келмоқдаман. Гоҳ ўзим обунда бўламан, гоҳ иш жойимнинг обунасидан фойдаланаман. Ҳеч имкон тополмасам, туман касабга уюшмаси вакилиги

ёки мактаблар билан ҳамкорлик қиламан. Ҳар бир сонини илтизорлик билан кутаман. Газета менга маънавий озуқа берибгина қолмасдан, айнаи вақтда ҳамфирқ ва йўлдош. Йигирма йилдан ортиқ бир кор-



хонда узлуксиз кадрлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб келётганимда ҳам «устозим» «Ишонч» газетасининг ҳиссаси

бор. Қолаверса, аҳоли ўртасидаги обурўимни ҳам шу газета «озуқаси»дан деб биламан. Кичикроқ бўлса ҳам туман марказидаги бир маҳаллага оқсоқолман. Ўзимга керакли сабоқларнинг барчасини деярли шу газетадан оламан. Газетани авайлаб асрайман, керакли материалларни йиғиб, бир неча йилга жиҳдларга тур-тури билан тикиб бораман.

Яқинда, яъни, газетанинг 2007 йил 6 феврал 17-сонидан буён бериб борилаётган

Муносабат

хурматли ёзувчимиз, Ўзбекистон санъат арбоби Абдуқоҳор Иброҳимовнинг «Ўзбек маҳалласи» эссеини ўқиб туғатдим. Юрагимнинг турдан жой олиб, менга жуда катта «озуқа» берган ушбу эссе ҳақида Сизлар билан ўртоқлашиш мақсадида қўлимга қалам олдим.

(Давоми 3-бетда)

Атрофда гулларнинг жилваси маъсум, Баҳор келди, баҳор — фасли табассум.



Баҳорнинг илк кунини. Неча-неча йиллар давомида қалбимизда айни шу кун қувончларига яна бир катта ҳаяжон муштарак эди — 1 март азиз Зулфия опанинг таваллуд кунлари. Қизил чинни-гулларни яхши кўрадиганлар. Ҳеч биримизнинг кўнгилмизга ортиқча ҳозирлиги ҳашам ташвиши тушмасди. Уч киши бўламизми, ўнта қизу аёлларми — бир даста қизил чиннигул билан Зулфия опанинг мунаввар бағридан мейру эъзоз уфуриб турган хонадонларига кириб борардик...

Неча ўн йилликлар давомида адабидега кириб келган қизлар, аёллар учун ҳақиқий ғамхўр инсон, кимнинг қаламидан чиққанидан қатъи назар (у ёшми, кексами), унга тан бергувчи шеърхон, бошқаларга ёрдам беришга ҳаммаша тайёр-у, аммо бу ҳақда ҳар

қандай оқибат шароитида ҳам оғиз очмайдиған меҳрибон... эдилар Зулфия опа. Шундай фазилатларни рўзи азалда Оллоҳ, руҳу жонларига омухта қилган бўлса керак. Уш шайхий манфаатлари йўлида инсонийликка заррача гўбор тушириши мумкин бўлган барча оҳишлардан еру осмон қадрар юксакда яшардилар. «Зулфиядек дунё таниган шоира, арбоб» олдида ўзгаларнинг ҳам қадр-қиммати, кўнгли, иззат-нафсига озор етишига зиҳор йўл қўймас эдилар.

Зулфия опанинг меҳрлари, ишончларини қозониб, катта умидларига, қай фурсатлар бағриларини тўлдирган гуруҳларига сабаб бўлган, еттинчи осмонларда учиб юрдик. Олдинма-келин у кишига атаб шеърлар ёздик. «Устоз» деб атадик. Бу-

гун мундоқ ортга ўтирилсақ, эҳ-ҳе, умрининг кўпи ўтиб, ози қолди мими ёки аксинчामी — Оллоҳ билади, лекин эсимас эми э. Ҳаётда ҳақиқий устозлар Зулфия опа каби ўзига ихлос қўйган ёшларга фақат шеърят сирларининг аниқлигини билмайдилар. Ҳақиқий устоз ҳар жиҳатдан ибрат, муаллим...



БАҲОРДАЙ САХОВАТЛИ ЭДИ

Хонада ишлаб ўтирдим. Зулфия опа қўлларидан уч дона митти гуллар билан кириб келдилар. Ердан қор кетар-кетмас очилганда ангишводанеккина гуллар бор-у! — Бу — сизга! — дедилар қўлларидан ҳаммаи ўзларига ярашми ифода билан. — Марказкўма мажлибо боргандик, пидега кайтсак, йўл четларидан очилди. «Бугун Мухтарамнинг туғилган кунини», — деб териб олдим.

Бу воқеага неча йиллар бўлди. Каттаю кичик гулдасталар насиб этди. Бирок...

Зулфия опа ўша мунчоқдек гулларни қўлимга берганлариди, дилимдан «Шундай бўрли, машхур одам оддийгина ходими учун эгилиб йўл четидан гуллар терса!» — деган ўй-хаёл ўтган эди. Кейин бу туйғу умрбод кўнглини кўтардиғани миннатдорчиликка, эҳтиромга айланиб қолди.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхонимнинг шахси, қалби баҳор билан эгизак. Айни шу кунда гоят гўзал хотиралар ёдимга тушаверади. Улар тасаввуримда жонланади — худди афсоналардаги, эртақлардаги каби... Аслида ҳам, бундай гўзал муҳаббат ва садоқат ҳаётда ҳар доим учрайвермайди.

Зулфияхоним ўш даври ёшлари учун ҳам, келажак авлод учун ҳам нафақат шоира, балки маънавий устоз ҳамдир. Бу фикрни шарҳлаш учун далиллар бехосиб. Лекин мен бугун устознинг гўзал муҳаббатлари билан боғлиқ хотираларни эсладим.

Зулфия опа билан Ҳамид Олимжон ҳақида эшитишни хоҳловчилар кўп эди. Бирок Зулфия опа: «Кўнгил бойлиги бошқалар олдида дастурхон қилиб ёзилмайди», — деб бу ҳақдаги савол, илтимосларга нуқта қўядилар. Балким, академик шоир Фафур Фулом: «Муаззам Шарқ намоёнлари сенинг поэзия жонингда, — деб таърифлаган шоира муҳаббатнинг мунаввар туйғуларини шарқона ибодатга ёт равишда ошқор этишни ёки умрларининг энг гўзал фасли — висол йиллари ҳақидаги хотираларнинг оҳори тўкилишини истамганмидилар... билмадим.

мидаги педагогика билим юртида ўқирди. Бу пайтларда Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Миртемир каби ижодкорлар аллақачон шоир бўлиб танилган эдилар. Улар педбалим юртига ўқувчилар билан учрашувга келиб туришарди.

«Уша пайтларда биз у шоирларга ҳавас қилардик, холос!» Давралар, мушоиралар, учрашувлар... Зоҳири ҳам, ботиқи ҳам бир-бирига мутаносиб гўзал икки ёшнинг қалблари қайси кун тутади — бу энди ёлғиз Аллоҳга аён. Ҳамид Олимжоннинг Зулфияхоним дилига йўл

излаши, соддаю самимий илк иқрори, балким, мана бу воқеадан бошланган дур:

1934 йилнинг боши. Хозирги Алишер Навоий номидаги санъат саройини ҳуқуқат раҳбарлари ёш ижодкорларни йиғишди. Мақсад илгор пахтакорлар ҳақида асарлар ёзиш вази фасини топириш эди. Зулфияхоним бир сабаб билан кечикиброқ келган. Келинчани ва ўтирганлар олдини кесиб ўтаётгани учун хижолатда қолган Зулфия кимнинг олдида қўлиб жойлашганига ҳам эътибор бермайди, у — Ҳамид Олимжон эди. Маъж-лалар баён этиларди. Зулфияхоним қўлидаги кийимхонанинг илгакчасини қаерга қўярини билмай таралдуланади. «У пайтда қўлимизда ҳозиргидек сумкачалар ҳам бўлмасди». Шунда Ҳамид Олимжон илгакчани унинг қўлидан астагина оладида, костоюмининг чўнтагига солади.

Йиғилиш тугагач, Зулфияхоним пальтосини олиш учун навбатда турганлар каторига қўшилиди. Лекин навбати етиб келганда ҳам, ён-атрофда Ҳамид Олимжон кўринмасди. Қиз четга чиқиб кўтишга мажбур бўлади. Йиғилганларнинг ҳаммаси деярли кийим-бошларини олиб чиқиб кетишига ҳам Ҳамид Олимжондан дарак йўқ эди. Шу пайт ёзувчи Охундий келиб қолади ва Зулфияхонимдан нега

оилада, жамоатчилик орасида, устозлар, дўстлар, ҳамфирлар даврасида эркин бўлиши, ота-она ва акалари томонидан юриш-туришлари доим назоратга олинмаганини юриш бош сабаби, менмича, ёш шоиранинг ўзини хар жиҳатдан одоб-ахлоқ, маданият, ҳаё чегарасида тутишига ишонч қозонганидан бўлса керак. Буни яна бир ҳаёт ҳақиқати тасдиқлайди: йиллар ўтиб, Ҳамид Олимжон билан бир гўзал шеър, эртақ каби келган тўққиз йиллик бахтли ҳаётлари шоирнинг фожиали ҳалокати туфайли барҳам толгандан кейин, марҳум шоирнинг доно онаси Комила буюи умрининг охиригача келини ва набиралари билан яшади. Зулфияхонимнинг муҳаббатда ярим кўнглини тўлдирган учун, шоиранинг қалб сози синмаслиги учун, ҳижрон ғамига ботиб, чўкиб кетмаслиги учун Комила буюи хар жиҳатдан шароит яратиб берди. Ҳамид Олимжон, меҳрибон мурабий бўлди. Келиннинг ҳаётдан бевақат кетган ўғли руҳига, муҳаббатига садоқати, покизалигига ишонган онагина шундай қилиши мумкин эмасми? Дарвоқе, айрилиқнинг дастлабки йилларида Комила буюи: «Болам, ёш умрингизни ҳазон қилманг!», — деб келинига бошқа турмуш қилишини ям тақлиф қилган эканлар. Шунда Зулфияхоним: «Аяжон, нима, мен уйингизга сизмай қолдимми?» — деб бу ҳақда бошқа гап очилишига йўл қўймаган эканлар.

Ана энди, яна муҳаббатнинг илк висол олдари ҳақидаги хотираларга қайтамиз:

— Базван Ҳамид Олимжон бизнинг кўчамизга иши тушган каби бирор баҳона билан мени кузатиб келарди, кейин Охундийнинг уйи томонга ўтиб кетарди.

Шундай оқшомларда... Зулфияхоним хонадонининг ярим очик дарвозасидан атрофларига айланганда иморат солинган, саҳнида мевали дараклар бехосиб, атиргуллар улкан гулдасталардай расида бўлган ҳовли ажиб жозибали, сирли кўрнандар. Атиргуллар қийғос очилган...

— Ана шу атиргулларга ҳавасим келади, — дер эди Ҳамид Олимжон. Канидий, имкон бўлса-ю, бир атиргулнинг панасида ўтириб сиз кириб кетган хонага термулганча тонг оттирсам...

Бир кун Ҳамид Олимжон билан Зулфияхоним кўнанинг икки томонидан келишаркан, ҳовлиларининг ёнгинасидаги маҳалла гузариди ўтирганлар орасида шоиранинг отанинчи ҳам бор эди. Яқинлашиб келётган ёшларга кўзи тушган ота астагина ўрнидан туради-да, ҳовлига қайтиб кетди ва шу кун кечқурун хотинига тайинланди:

— Қизингга айт, йигит билан кўчада етаклашиб юрмасин. Агар йигитнинг ҳақиқатан ҳам уйланиши нияти бўлса, совчи кўйсин.

Умри далада ўтган мен тенги минглаб аёллар аввало она, оила бекалигини унутиб, бир этак фарзандларининг орзу-ҳавасини кўриш, жигарбандларини оёққа қўйиш, кун кегириш учун кетмон дастасига суяниб, белини қалин рўмол билан боғлаб эртадан кечгача тийин билмай чопиқ қилар, пахта терар — хар қандай оғир меҳнатдан бийин товламасди. Меҳнат билан ҳеч ким ўлмайди, деган бардошли нақлга амал қилиб ишлагани ишлаган эди-ю, аммо меҳнати самарасиз, топан ноини, ҳақ-ҳуқуқлари кемтиклиги ҳақида ўйламасди, тирикчилигидан ортиб, ўйлашга вақти ҳам бўлмасди. Уз еринг, мулқинг бўлиши, улларга эмин-эркин эгалик қилиш ҳақида-ку оғиз очолмасди. Ана шундай «тенг ҳуқуқли» тузумнинг «бахтиёр, озод, хур» аёллари қўлликка кўникиб яшагга маҳкум эдик.

Орзуим Тошкентда ўқиш, чет тилларини ўрганиш эди. 1959 йилда Урта мактабни тугатдим далага кетмон кўтариб чиқдим. Тақдиримга ёзилгани шу экан, деб бош кўтармай ишлайвердим. Уша кезлари доврүк таратган Турсунной опага ҳавас қилиб тракторчилик курсида ўқидим. Турмушга чиқдим, фарзандли бўлдим. Аммо бахтсиз ҳодиса туфайли икки ойлик ўғлим билан бўлаб қолавердим. Боламини онамга қолдириб яна далага чиқдим. Қип-қизил алвонга «Биз, ҳаммамиз пахтакорми?» деб ёзилган ширни қалбимга жо қилиб, шапка кийган, раҳбарман деган кимсанинг кўзига тик қарамай, сўзини икки қилмай ишлайвердим. Қўларим темирга айланиб, юзларим офтобда қуйса ҳам, қолдан тойиб, оч қолсамда ўзимни сояга олмадим.

Четдан кузатган кишига бир аёл меҳнати туфайли эришиши мумкин бўлган бахтга эришганидекману, аммо... Аммо бахт дегани бутунлай бошқа, чинакам бахтининг нималигини юртимиз мустақилликка эришгач аниқладим. Шунисига шүкр қиламан, ахир озоликдек буюк имкон, ҳуқуқ, шон-шараф нималигини билмай, кўрмай ўтишим ҳам мумкин эди-ку? Бундайлар камми?

Базвида ўйлаб қоламан: куч-қувватга тула навиқрон дамлардаги уша меҳнатларимнинг ярмини удаллай олсам, балки бугун юртимизнинг энг илгор аёлларидан бири бўларимидим. Олтимш ёшдан ўтгач, фермер бўлдим. 20 гектар ерга пахта экан, беш гектар чорбоғим бор. Худо умр берса, яқинда етмишга қираман. «Очмасиз, қаровсиз қолдингизми ёки бой бўлқончимиз?» дер мени саволга тугтанлар кўп бўлди. Уларга нима дейин, дилини оргитмай қўлибгина қўя қолдим. Ахир бугун ким очки, мен оч, қаровсиз қолсам. Оллоҳга бехосиб шүкрлар бўлсинки, ўғлим Меҳридинжон, келиним, невараларим ҳаммаи хизматиди. Юрагимда армон бўлиб қолган орзуларим рўёбини невараларимда кўриб қувонаман. Ҳаётда ўз ўрни, касб-корини топаётган невараларимни дуо қилиб, мустақил Ватанимизга шүкрорлик қилиб, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, ислохотлар натижасини газеталардан ўқиб, телевиденда кўриб ўтирсам ҳам ҳеч ким монелик қилмайди. Аслида ҳам шундай, бугундан қувониб, эртадан умидворман. Оллоҳ берган хар бир кунининг сўроғи бор. Бир пайтлар тушимизга ҳам кирмаган, фақат орзу қилиш мумкин бўлган шароит бор, ишлайман деганга имкон. Бундай дамларнинг қадрига етмаган киши эртага афсус қилади.

БУГУНДАН ҚУВОНИБ, ЭРТАГА ИШОНИБ ЯШАЙМАН



юрта дахлдор деб билган ёшу қари масъулдир. Ватан томошабиники эмас, унга ўзини фидо қилганики, виждони уйғокники. Халқимиз мулк нима, мулкдор кимлигини унутган ақин ўтимишда ушбу сўзлар айбловга айланиб, ёқасидан тутган бир дамда мамлакатимизда кетма-кет янги қонунлар яратилиб, тезда ҳаётга таътибқ этилди. Бундан ўн беш йил аввал биров «Мулқчилик тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Меҳнати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги каби қатор қонунлар чиқадиган, биз мулкдор бўламиз, еримиз ўзимизга қайтади, деб айта олармиди? Буларни-ку қўяверинг, ҳатто жамоа ҳўжалиги (колхоз)да ишловчиларга шахсини аниқловчи ҳўжат — паспорт берилмас, уларнинг шахардан иш топиб, қўчиб кетиши тақиқланган эди. Бугун булар ҳақида эшитиш кимлар учундир эртақ, аслида эса ҳақиқатдир. Фарзандларимиз эса биздан ҳаммаша ҳақни эшитиш, билишга тайёр туриши, ҳўсалар чикаришга қодир бўлмоқларини истардим. Наврўзи арафасида турибми. Аёлни бир даста гул, ширинсўз билан хурсанд қилиш мумкин. Кишдан соған чикиб, даласини соғинган дехқонни, бутун халқимизни-чи? Наврўзини, байрамларни интиқ, шоду хурсандчиликлар билан қўтиб олишга шай турган элимиз баҳорни соғинди. Кўни кеча эълон қилинган Президентимизнинг Наврўз байрамини ўтказиш ҳақидаги қарори барчани хурсанд қилди, кўнгилларимизга қувонч олиб кирди. Янги йилмиш хайрли келсин, ишимиз унумли бўлсин, ҳадемай Наврўз муборак, дер бир-биримизни қўтлаймиш. Шунисига шүкр.

Шукрона

«Ўзбеклар иши» аталган, пуфлаб шиширилган, асосийи, халқимизни бадном этиш, иродасини синдиришга қаратилган мустабид сиёсат минглаб оилаларни қон қакшатди. Юртимиз оёқоси бўлди, шаънимиз топталди. Халқимиз номига елимлаб ёпиштирилган ўйдирмавлар авлод. Буларни эслашдан мурод — кечаги кўни билмаган бугуннинг қадрига етмайди. Кафддек томорқанда қуриб бораётган экинни сўғирисига рўхсат йўқ, ўнта бола, келин, неваралар билан бир ўйда тикилиб, ўнғайсиз яшасангда, бирортасига жо олиб, алоҳида ҳўжалик қилиб чиқаролмасдинг. Ватан ягона, халқ бир бўлгани каби ватанга хизмат қилиш, истиклолни асрашга барчамиз, ўзини шу

Обида ҲАМРОЕВА,
«Мухтарам биби» фермер ҳўжалиги раҳбари,
Ғиждулов тумани

САМАРҚАНД ТҲЙ ТАРАДДУДИДА

Кўпкам кўз очтуғна кутиб туролман қўзигул майсалар орқидан бош кўтарди. Тонги изирини қўлоқларидан хар қанча тортиқлаб, чимчиламасин, барибир у қўшини кутаверади. Ён-атрофга аланглаб, мойчечак ахтарди. Сабодан уни сўроқлайди: қайдасан, мойчечак? Самарқанднинг қир-адирлари ана шу сарғиш, нимжон, айни чоғда фусункор гуллар билан бурканди...

Самарқандда кўпкам Чўпон ота адирлари оша мўралайди. Қўрна Афросиёб ашил бўлбоса бурканди. Шаҳарнинг қай манзилга боқманг, буюк мусаваир — табиятининг бу сирли сиоинати кузатасиз. Фалаккўйта илк нарвон қўйилган тепалиқларда баҳор ташрифи ана шундай намоён бўлади ва бу рангин ифор самарқандликлар қалбига кўчади.

Дақолага бешиқ бўлган бу дийёрнинг сирли сиоинатлари кўп. Бу юртини пирлар қўллаган. Булар тождорлар, халқимизнинг асл фарзандлари Самарқанд сари талинганлариди авлиё-валийлар уларни қўлаб туришган. Шаҳар қопқалари улар башорати ила очилган.

Бу оддий ҳақиқатни Нуриддин амакимиз бот-бот тилга оларди. Уларнинг оиласида 9 нафар фарзанд бўлган. Тўнғичи Нуриддин таҳсил олиш учун Самарқандга йўл олдик. Серфарзанд хонадондан чиққан эмасми, тезда харжи тугайди. У укалари насибасини қийиб ўйидагилардан пул сўрашни ўзига эп кўрмайди. Талабалikka қабул қилиниши ҳам гумонга айланади. Ана шундай дилхун ҳолатда қадамжолари айланади. Регистон майдолидаги ўриқчида узок вақт ўй сўриб ўтирди. Одамлар анча сираклаган, тун борлиққа пардасини торта бошлаган пайтда гамгин йўлининг елкасига кимдир қўлини қўйди. Ўғрилиб қараса, бир мўйсасидил жилмайиб турган экан. Шошлага салом беради. Отаҳон хошулиги сабабини сўриштиради. Нуриддин амакимиз хижолат тортиб, сирини яширади. Ок соқоли отаҳон уша табассум билан сўз қотди: «Сен ўқишга кирдинг, болам, ҳеч ўқинма», дейди-ю йўладан Сибё бозорига қараб кетади. Амакимиз бирорта ўткинчидир-да, де-

Аллақачон қир-адирларда, ариқ бўйларда ялғиз, гунафша, исмамоқ, отқулқ, қўзқулқ... қўйингни, қўпкам неъматлари буй қўзиб қолди. Бозор расталари ҳам бу шифобахш ғиёзлардан яшнаб кетди. Укувли, пазаңда уй бекалари аллақачон ўз хонадон соҳибларини бир неча марта қўпкам таомлари билан хушнуд қилишди.

Хўш, қўпкам таомларига шифобахшлик ҳада этадиган қўқатлар қандай хусусиятларга эга?

«КўКЛАМОЙИМ, КЎКИНГДАН БЕР БИР ЧИМДИМ...»

ЛОЛА

Баҳорнинг рамази бўлган лола нафақат чиройли, балки шифобахшлиги билан ҳам машхурдир. Унинг шираси бош ва миёни тозалаш учун бурунга тортилади. Бошдан рутубатларни тортиш учун илдизи чайналади. Шираси асал билан ишлатилса, кўз яралашини, кўзга оқ тушишни ва кўздаги яралардан қолган изларни кетказишда фойдалидир. Қуритилган лола эса чирки яраларга наф қилади ва уларни битиради, пўст ташлашга ҳам фойдалидир. Лола қайнатмаси шиш, чипқон ва иссиқ тошмаларни ёради. Енгоқ пўнғоги билан аралаштириб ишлатилса, сочни қорайтиради. Барги ва посини қайнатиб ичишга соч қораяди.

ГУНАФША

Юртимизда гунафшанинг 14 та ёввойи, 3 та маданий тури ўсади. Гунафшанинг барча тури шифобахш саналади. Дамланган гунафша юқори нафас йўли шамолланганда, бадан ва юзга хуснбузар тошганда, теридида тошмалар, бадан қичишида фойда беради. Гунафшани хидлаш ва суртиш қондан бўлган бош оғирини босади. Арпа талқони билан биргаликда ялғилиш ишларини босади. Йпроғи ҳам шундай таъсирга эга. Ибн Сино эътироф этганидек, гунафша қўтир учун энг шифобахш суртмадир. Уни қўйиб боғлаш ва иччи иссиқ кўз оғриққа наф беради. Иссиқ йўталда фойда қилади. Айниқса, гунафша мураббоси кўкракни юмшатади. Меъда ялғилишида шифобахш таъсир қўрсади. Гунафша дамламасини тайёрлаш учун бир қошиқ гунафша (гули, бақчи япроғи билан) бир стакан қайноқ сувда икки соат димлаб қўйилади. Докада сузиб олиб, кунига 3-4 маҳал оқватдан олдн 2 ош қошиқдан ичилади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири



ПИРИ КОМИЛГА ТАЪЗИМ

Навойи баридан тутмоқ нечоғ хушдир, нечоғ тавқир,¹ Ва лек бу барга етмоқ ҳам нечоғ мушкул, нечоғ оғир.

Ажаб улкан, теран, шаффоф у бунёд айланган уммон, Анинг уммонидан бахра насиб этмиш биза тақдир.

Гар ўзбек назмининг пайгамбарин сўрса, Сиз албатта, Низомиддин Алишербек Навоийни этинг тасвир.

Навойидан бирон байт билмаган, дерлар, эмас ўзбек, «Хазойинул маоний» ичра қанча дурри жавоҳир.

Низомий панжасига панжа урди мисли шер, бунда, Зарурат бўлмади анга на шамширу ва на ташхир.²

Беш асрим Навоий шухрати оламини забт этмиш, Беназир «Хамса»си бирли дил аҳлин айламиш тасхир.³

Навойини тўла англай деса етмас киши умри, Анинг ҳар байти кудсийдир, анинг ҳар бир сўзи нодр.

Улуғ зотин тушингай ким агар оқил, агар қобил, Агар қодир, агар тохир, агар мохир, агар собир.

Навойи сарбаланд чўққи, ҳабдан аҳли шоирлар, Кичик-катта анинг тийран нигоҳидан ўтар бир-бир.

Ўзин бахтли санар шоҳлар, агар имкон топиб бир он, Хусайн Бойқаро янглиғ бўла олса анга шотир.⁴

Ажаб юз мингта байт битмиш у занжирбанд ҳолинда, Не қудрат кўрсатарди бўлса эркин, бўлмаса занжир.

Губорин тўғиб айларга бор монёв бу кун, аммо, Келар фурсат, кутар нават таовф айларга ҳар зойир.⁵

У зотга эҳтиром — бу элга ҳурмат, тилга ҳурматдир, Кел, эй Мирзо, буюк меросга соҳибсенки, бўл шоқир.⁶

Мирза ҚАЙНАРОВ,
меҳнат фəхрийси

- 1 Тавқир — шарафлаш
- 2 Ташхир — шухратлантириш
- 3 Тасхир — ром етмоқ
- 4 Шотир — жиловдор
- 5 Зойир — зиёратчи
- 6 Шоқир — шуқур қилувчи

Кўклам мушоираси

ОҚИБАТ

Қачонки ўртада бордир оқибат,
Ҳаёт ҳам гўзалдир, турмуш фаровон.
Уйғонар ҳар дилда меҳру муҳаббат,
Мағрур бош кўтариб юради инсон.

Оқибат тўфайли узатар қўлин,
Нотаниш киши ҳам оғир кунингда.
Сафарга шайлансанг ойдиндир йўлинг,
Ҳамроҳинг бўладур ой ҳам тунингда.

Оқибат тўфайли барча қариндош,
Фарзандлар бахтлидир, яшарлар инок.
Оналар тўкмагай беҳуда кўз ёш,
Оталар қувонч самовий чирок.

Вақт келиб ўртадан оқибат кетиб,
Ҳаётнинг юзига тортилса парда.
Яхшилик ёмонлик бошига етиб,
Маломат тошлари ёғса агарда.

Натижа: авж олар даъво, ҳақорат,
Биродар беҳурмат қўлар бир-бирин.
Кўп йиллар бошпана бўлган иморат,
Чок-чокдан қулашин ўшанда кўринг.

Оқибат аълодир, бунӣ яхши бил,
Донлар сўзига доим қўл амал.
Ҳаётда ҳеч қачон оғримасин дил,
Ҳаётга бир марта келиш бор азал.

ҲАМШИРА

Гар бемор юзида кўрсанг табассум,
Қувончинг уммони сигмас оламга.
Ҳордиқ нималигин билмасан бир зум,
Истайсан: ҳеч кимса ботмасин гамага.

Меҳнатинг дарёга қилурман қиёс,
Юзингни тонг чоғи очилган гулга.
Меҳрибон қўлларинг нурбахшлиги
рост,
Инсонни ундайди ҳаётга, йўлга.

Таърифинг қуйламоқ бўлдим шу
чоғлар,
Сенгадир олқишим, иззату ҳурмат,
Ёритгай йўлингни эзгу чироклар,
Ниятинг ўзингга эш бўлсин албат.

Карим МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
хотимлари касаба
уюшма Марказий кенгашининг
бош ҳуқуқшуноси

БИЗ СПОРТНИ ТАНДАЙМИЗ!

Машъал тутинг, спортчилар,
Порласин юрт чидоғи!
Беш қитъани забт этолсин
Ўзбекистон байроғи!


Иллатлардан тоза бўлсин
Она юртинг тупроғи!
Кўкнорининг номи ўчсин
Кул бўлсин, илдиз, шоҳи!

Гимнастика маликаси,
Оёгингда янч уни.
Қиличбозлар шунқори, эй,
Бағрига тиг санч уни!

Олиб уринг, курашчилар,
Разолат йўламасин!
Огоҳ бўлинг, спортчилар,
Адолат қуламасин!

Янги ҳаёт қурайлик биз
Дунё зийға тўлсин!
СПИД, Вич-у оқ ажалдан
Ҳаёт соф, озод бўлсин!

Мунира ХУДОЁБОВА,
ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси




ҚИШЛОҚ-ҲЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ҲЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ»
ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул
ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.

- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.




Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-катор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51, 276-77-20 Факс: (8-371) 276-97-40

Ўлкамиз неъматлари

ШОҲЛАРНИ ЛОЛ ЭТГАН ҚОВУНЛАР

Азалдан Амударё сувида баҳраманд бўлган
воҳанинг серуном тупроғида дунёга машҳур Хоразм
қовуни етиштирилган. Шираси тилни вравчи бу
қовунлар мазаси, хуштаъмлиги ва шифобахшлиги
билан ажралиб турган.

Бу ҳақда XVI асрда яшаган араб жўроғи Абу ар-Рашид ал-Бакувий ўз эсдаликларида шундай ёзади: «Хоразм — Жайхун бўйидаги катта ўлкадир... Бу юртининг муъжизаси — унинг қовунидир. Хоразм худди Миср саҳросига ўхшаш қумликлар билан ўралган. Бу қумликларда катта-катта дарахтлар (ёнтоқ) ўсади. Қовун экиш масъуми бошланганда деҳқонлар ҳар бири тош билан ўз худудини белгилайди, сўнгра бу даракнинг томири ва шоҳларини кесиб, у ерга қовун уруғини пайвандлашади. Бу уруғлар сугорилмайди, чунки у ёнтоқ шираси билан озикланиб, саҳронинг жазирамасида меъёрида ўзи пишади. Хосилни йиғилганда қовун сайли уюштирилиб, ҳамма бир-бирига қовун совға қилади».



Яна бир манбада ёзилишича, бу қовунлар «Буюк ипак йўли» савдосида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, у дунёнинг турли мамлакатларига олиб борилган. Бу неъмат халифа Маъьун ва Восиқ хонадонига мўз

ва қор солинган қўроғош қопларда етказиб берилган. Уларнинг нархи 700 дирҳам бўлган. Донғи кетган бу қовун-

XVIII-XIX асрларда Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларида бир тугяга юк бўлган қовун шу тугя баҳосичалик фойда келтирган. Хатто Рус подшоҳи Александр II Астрахан яқинидаги далада ушбу полиз маҳсулотини етиштириш учун фармон берган. Аммо тупроғи ва табиати бошқа бўлганлиги учун Хоразмникидек бўлмаган. Ҳўш, Хоразм довуғини етти иқлимга таратган, Рус подшоҳи Хитой императорини лол этган бу неъматнинг ҳозир ҳам ўша тилни ёрар навлари борми? Гап шундаки, унинг ўнлаб турлари айни вақтда йўқолиш арафасида. Бинобарин, қадимдан Хоразм иқлимида етиштирилган қовуннинг ноёб навларини тиклаш, тажрибакор деҳқонлар билан шу соҳа селекционерларининг ҳамкорлигини ташкил этиш ва бу ишларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак. Шундагина Хоразм воҳаси, қолаверса, ўзбек диёри ерларининг инъом этган шириндан шакар қовунларидан ҳамма баҳраманд бўлади.

Санжарбек САЙДОВ,
Эрпўлат БАХТ

НАВРЎЗИ ОЛАМ ТАЪРИФИДА

Қуёш қайтди яна келиб ўрнига,
Балиқ қуйруғидан кўзи бурнига.
Яъни, қуёш кеча ва кундузнинг тенглик нуқтаси — олам экваторига қайтиб, ўрнига келди ва Балиқ (Хут) буржидан Кўзи (Хамал) юлдузлар туркумига ўтди, деган эди XI асрда яшаб иҳод этган шоир ва файласуф Юсуф Хос Ҳожиб.

«Кимки Наврўз кунини байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғотда яшайди» дейди улуғ олим ва шоир Умар Хайём.

Буюк шоир Алишер Навоий «Хазойинул маоний» асариде: Васли аро, тенг эмни бўйио сочи, Тун кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди, деб Наврўзни улуглайди.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади

Ҳаётинг ҳангома

ТИЛ — ШАПКА ЭМАС

Шаҳардаги коллежда тахсил олаётган шапкали ўспирин ёзги таътилда қишлоғидаги дўкандан бир қути сигарета харид қиларкан, сўради:
— Спичкангиз ҳам борми, брат?
Унинг бу саволи ёши отаси тенги сотувчининг гашини келтирди.
Нари тур-е! Аваал тилингни тўғрилай кел. Туркиндан от ҳурҳади-ю, гапирининг қара. Тил — шапка қилиш эмас. Шапкани қийиш қийсанг ҳам иктиёринг. Лекин тил халқини, унга олимптагарчилик кетмайди.
Дўкон ёнида ҳозир бўлганларнинг нигоҳи халғи ўспирин талабга қаратилган эди. У сигаретасини лабига қисирганича кўзини қаёққа олиб қочишни билмай туриб қолди.
Абдулла САЙДОВ

Қарор ва ижро

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, футболни ривожлантириш, болалар футболга эътибор, клублар аҳволини яхшилаш, мухлисларга манзур бўладиган ўйинларни ташкил этиш, халқро майдонларда муваффақиятли натижаларга эришиш каби эзгуликларга хизмат қиладиган мазкур Қарорнинг ижроси чин маънода ютуқларимизни таъминлаши аниқ.

МУРАББИЙЛАР ВА ҲАКАМЛАР МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Маълумки, Қарорда долзарб масалалардан бири мураббийлар ва ҳакамларлар савиясини ошириш учун «Футбол бўйича мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш Республика мактаби»ни ташкил этиш бўйича банд бор. Унинг ижросини таъминлаш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2006 йил 5 сентябрда «Футбол бўйича мураббийлар ва ҳакамлар Республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Қарор чиқариб ва шу асосда иш олиб борилди. 2007 йилнинг январ ойидан эса Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти базасида «Футбол бўйича мураббийлар ва ҳакамлар Республика мактаби» иш бошлади. Институтнинг «Футбол ва қўл тўпи кафедраси» мудири Раҳмонберди Нуримов мактаб директори этиб тайинланди.

кунларда мактабда дастлабки ўқув жараёнлари, ҳакамлар тайёрлаш бўйича дарслар давом этмоқда.

Тажрибали мураббийлар Рустам Ақромов, Яков Капров, Евгений Валицкий, ҳакамлардан Гали Имомов, Эдуард Вертоградов, Бобур Ҳайдаров, Владимир Штернлардан сабоқ олаётган ёш мутахассисларнинг ўқишга иштиёқи баланд. Имтиҳонни муваффақиятли топширган тинловчиларга тегишли ҳакамлик тоифаси кўрсатилган ҳужжат топширилади. Бу ҳужжат унга футбол бўйича Республика ва халқро мусобақаларда ҳакамлик қилиш ҳуқуқини беради.

Мураббийлик мактабини тугатган мутахассислар, шунингдек, Ўзбекистоннинг барча профессионал футбол клубларида фаолият олиб бориши мумкин.

— Мактабга тинловчилар ким томонидан тавсия этилади?

— Вилоятлардаги футбол федерациялари, футбол клублари, бир сўз билан айтганда, соҳага қизиқувчи ташкилотлар ўз вакилларини бизнинг мактабимизга тавсия этишлари мумкин.

— Мактабга сабоқ бериш учун хориж мутахассислари ҳам жалб этиляпти дейишляпти?

— Яқинда Белорус Республикасидан тажрибали мутахассис Вадим Жук ҳакамларимизга маърузалар қилди. У бизнинг ҳакамлар ва мураббийлар тайёрлаш борасида йўлга қўяётган ишларимизга юқори баҳо берди. Шунингдек, Россия ва бошқа хориж давлатларидан ҳам тажрибали мутахассисларни чақириб режалаштирилган...

Ақмал АБДИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Ортиқбой кейинги пайтда озиб-тўзиб кетди. Хасталик кун сайин уни «чалиб» борарди. Хали шифохона, хали поликлиникага зув-зув қатнайвериб ҳоли қолмади. Охири ўзини ўзи даволамоқчи бўлди. Улуғ Луқмони Ҳаким, Ибн Сино китобларида қайд этилган доривор ўсимликларини топиб, табиий дорилар тайёрлаб ичди. Буни қарангки, Ортиқбойнинг рангига ранг кириб, этига эт қўшилди.

СОТИЛГАН КАРТА ЁКИ «ЎПКА ШАМОЛЛАШИ»

маслигини айтди. Ортиқбой яна «регистратура»га мурожаат қилди. Ҳамшира қизлар ҳар қанча излашмасин йўқни йўндиришолмади. Ортиқбойнинг картаси жойида йўқ эди.

Ҳажвия

Ортиқбой «дубликат» карта ёзиб беришди. Шифокор врач оғзига талқон солгандек, «дубликат» картага алламбалоларни ёзиб тўлдириб ташлади ва яна кичкина қозғога дори ёзиб берди. Ортиқбой дорихонага кирди. Кичкина қозғога дориларнинг катта нархидан унинг иссиғи чиқиб кетди. Чўнтаги «каса»ниги учун унинг суммасини билишга қизиққанди.

Ортиқбой «устоз»ларига мурожаат қилди. Анжир, сўт, асални қайнатиб, бир-бир ярим ҳафта ичиб юрди. Йўтали қаммайиб, поликлиникага бориш эсидан чиқиб кетди.

Орадан анча кунлар ўтди. Ортиқбой бир кунни, таниш дўстини учратиб қолди. У кўринишдан анча ўзини олдириб қўйганди. Касаллиги шундоққина юзидан билиниб турарди. Ҳолаҳвол сўради.

— Ортиқбой, «тўғрилади».

— Мен ҳам икки ой бурун шу поликлиникага қатнайвериб тинкам қуриган эди. Картамини топширмагандай. Сени картангнинг ичидаги ташхислар меники эканлигига ҳайрон бўлаяпман-да,— деди таажубланиб.

Абдузхур ҚОРАБОВ



БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

- Алла Долженкова,
- Виктор Зверев
- (бош муҳаррир ўринбосари),
- Маъмура Адилова,
- Мирзохид Содиқов,
- Носирхон Ақбаров,
- Ойсулув Нафасова,
- Пиримқул Қодиров,
- Соғиндиқ Ниетуллаев,
- Шамси Эсонбоев,
- Элёр Ёқубов,
- Ҳулумзоқир Юсупов

Бизга қўнғирок қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари
ҳаёти бўлими:
153-87-63

Ҳуқуқ ва халқро
ҳаёт бўлими:
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий
сиёсат бўлими:
153-87-74

Миллий-маънавий
кадрятлар ва спорт
бўлими:
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш бўлими:
153-85-43

Реклама ва эълонлар
бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134

E-mail:
ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба,
пайшанба ва
шанба кунлари
чиқади.

Навбатчи котиб -
А.Алламуродов

Навбатчи муҳаррир -
Д.Мадиев

Навбатчи - Т.Шернаев

Мусаффоқ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси
босмахонасида
чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0116-рақам билан
руйхатта олинган.

ИВМ компьютерда
терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичим А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш
вақти - 21.00.
Топширилди - 18.30

Буюртма Г — 214

Тиражи: 19219